



ТОШКЕНТ ТО'ЛОҚ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 233 (10.286)

2004 ЙИЛ 29 НОЯБРЬ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

26 ноябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари барча минтақа ва худудларимиз қатори Сирдарё вилояти ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётда янги марралар сари интилаётганини таъкидлади. Тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятда ялли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоиз ўсди. Хорижийлик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Дола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион еврога тенг «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоа киритилган «Сардоба-давр ЛТД» каби қўшма корхоналар ишга туширилгани вилоят иқтисодиётини юксалтиришда, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг асосий соҳаларидаги кўрсаткичлар, бу заминда шаклланган иқтисодий сало-

ҳият пасайиб бормоқда.

Вилоятда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буюн сурункасига бажарилмай келаяпти. Жорий йилда вилоят пахта тайёрлаш шартнома режаси бўйича республикада энг охириги ўринда қолиб кетди. Вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди.

Ғаллачилик соҳасида ҳам орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилаётган. 1 минг 66 фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани туфайли вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига, уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш кучайиб кетган.

Бундай салбий ҳолатларнинг сабаби вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни янги асосда ташкил этиш, бошқача айтганда, ташкилотчилик ва талабчилик бўлашиб кетганлигидадир. Шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, уларнинг масъулиятини оширишда жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Сессияда ташкилий масала

қўрилди. Равшан Хайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдурахим Жалолов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Дўстлик» каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Ражабов, Бобўтов туманидаги 31-мактаб директори Баҳри Бобоқулова, Гулистон туманидаги «Уч қаҳрамон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуразақ Абдуназаров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими котиби Ҳаётхон Ортиқбоева Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик ва масъулият билан адо этиш, Сирдарё шўхрати ва обрў-эътиборини тиклаш вилоят ахлининг бугунги кундаги асосий бурчи эканини алоҳида таъкидладилар.

**Воҳид ЛУКМОНОВ,
Акимжон АДIZОВ,
ЎЗА МАХСУС
МУХБИРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

А.А.ЖАЛОЛОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:
Абдурахим Абдурахмонович Жалолов Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Р.Ҳ.ҲАЙДАРОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:
Равшан Хайдарович Хайдаров ўз аризасига биноан Сирдарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 ноябрь

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Европа Иттифоқи Комиссияси ЕвропаФайд дастури доирасида «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Бошқарув қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида Омбудсманнинг 5 йиллик фаолиятига доир ҳисоботи эшитилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Олий Мажлис қошидаги Амалиёт қонунлар мониторингинг институтида «Конституция — давлатимиз таракқиётининг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Наманган вилоятида ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида фарзанд ҳуқуқий саводхон-

лиги шаклланишида ота-онанинг ўрни хусусида сўз борди.

• Тошкентда уч кун давом этган синхрон сузиш бўйича 5-анъанавий «Сув париси» халқаро мусобақалари нихоясига етди.

• Тошкентда «Самсунг электроникс» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган янги русумдаги 15 хил уяли телефонларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

• Жаҳонда
• Кеча Руминияда Президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Президент сайловида 12 номзод кураш олиб борди.

• Украина Олий радаси Президент сайловларининг иккинчи босқичидан сўнг юзага келган инқирозни юмшатиш мақсадига ўзининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказди. Унда сайлов натижаларини ҳаққоний эмас деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

• Россиянинг Приморье ўлкасида жуда кўп миқдорда қор ёғиши натижасида ноқулай об-ҳаво шароити юзага келди, жумладан Владивосток аэропорти ёпилди.

• Камчаткада бўронли ҳавода ичида беш киши бўлган «Ми-8» вертолети бедарак йўқолди. Ҳозирда уни излаш ишлари кенг кўламада давом этмоқда.

САЙЛОВЛАРНИ ТАШВИҚОТЧИ БУГУН



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.

Пойтахтнинг бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТНАР

• **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида БУГУН иқтидорли қизлар ўртасида фан, таълим йўналиши бўйича ташкил этилган «Зулфия-хоним қизлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• **ЭРТАГА** Тошкент Давлат солиқ академиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

қабул қилинган куннинг 12 йиллигига бағишланган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Акмал Икромов туман бўлими томонидан уюштирилди.


• **ТОШКЕНТ** Ислам университетиде бўлиб ўтган «Ислому ва ёшлар» мавзусидаги тадбирда Сергели туманидаги мактабларнинг «Қамолот» ЕИҲ ташкилотли сардорлари иштирок этишди.

• **БУГУН** 152-мактабда Ҳамза туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамағармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими лари ҳамкорликларида Икром Акмалов номидаги маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллигига бағишланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманидаги 3-мактабда «Қамолот» ЕИҲ ва «Қамаллак» болалар ташкилотли сардорлари иштирокида уюштирилган тадбир «Қамолот—бу сеннинг ташкилотинг» деб номланди.

• **ЖАР** спорт-соғломлаштириш мажмуида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Никоҳ ва оила маросимлари» маркази ҳамкорликларида доимий равишда ўтказиб келинаётган «Оила қурувчилар мактаби»нинг «Оила — муқаддас Ватан» мавзусидаги навбатдаги ўқув машғулотли бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

● Кеча Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Якин Шарқ бўйлаб икки кунлик сафарини бошлади. У Исроил ва Фаластин мухторияти раҳбарлари билан ўтказиладиган учрашувлар доирасида минтақада тинчлик ўрнатишнинг янги йўллари белгилаб олишга ҳаракат қилмоқда.

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг мудофаа вазирилари тез чора кўрувчи ҳарбий кучларни ташкил этиш ҳақида келишиб олишди. Бу кучлар қисқа муддат ичида дунёнинг исталган нуктасига сафарбар этилиши мумкин.

Уч йил давомида шакллантирилиши кутулаётган ушбу кучлар бир неча бўлинмалардан ташкил топиб, ҳар битта бўлинмада 1500 ҳарбий бўлади.

● Покистон Бош вазири Шавкат Азиз Хиндистонга биринчи бор икки кунлик расмий ташриф буюрди. У мазкур мамлакатга Жанубий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси раҳбари сифатида иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш борасида музокара олиб борди. Шунингдек, Шавкат Азиз Деҳлида бўлиб, Хиндистон бош вазири Манмохан Сингх билан учрашди.

Бош вазир сафар чоғида Жамму ва Кашмир штати масаласини ҳам муҳокама қилмоқчи.

● Афғонистонда октябрь ойида мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловларда ташкилотчи сифатида иштирок этган БМТ ходимлари бундан уч hafta муқаддам гаровга олинган. Ҳамид Карзай маъмурияти вакили мазкур халқаро ташкилотнинг уч нафар ходими озод этилганини маълум қилди.

● Париж клуби ташкилотчи аъзолари Ироқнинг ташқи қарзидан 80 фоизини кечиб юбориш ҳақида келишиб олишди.

Бу келишувга Берлинда бўлиб ўтган Париж клуби ташкилотининг навбатдаги йиғилишида имзо чекилди. Ушбу ташкилот 20 нафар ривожланган ва ривожланаётган аъзо давлатдан ташкил топган.

● Хитой инвесторлари Жанубий Америка қитъасида жойлашган давлатлар тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилишга қизиқмоқда. Хитой давлати раҳбари Ху Цзиньтаоининг Кубага қилган расмий ташрифи чоғида ушбу мамлакатга 500 миллион долларлик инвестиция киритишга розилик берди.

Бундан ташқари, Хитой етакчиси Бразилия, Аргентина ва Чили давлатларида бўлиб, икки томонлама самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида 16 та келишувга эришди.

● Хитойнинг Шимол-ғарбида йўловчи самолёт кулади. У Баотоу (Ички Мўғулистон провинцияси) шаҳридан Шанхайга қараб йўл олган эди. Самолёт Баотоу аэропортидан учгандан кейин бир неча секунддан кейин парк худудидаги музлаган кўлга кулади. Кулаш пайтида самолёт одамлар турган билет сотиладиган кассани вайрон қилган. Гувоҳларнинг айтишича, пардагачи музлаган кўлга қулаган самолёт ҳаводалик пайтидаёқ ёнган ва қисман бўлақларга бўлиниб кетган.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Сайловлар олдидан

ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР АСОСИДА ОВОЗ БЕРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси халқи 2004 йил 26 декабрда янги Парламентимизнинг ташкил топишида қатнашиб, ушбу улкан аҳамиятга молик сиёсий воқеага ўз муносабатларини билдиришди.

Сайловлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»

сайлов тўғрисида-ги Қонунга (янги таҳрири 2003 йил 29 август) ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига аъзолик ўтказилади».

Қонунчилик палатаси депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Умумий сайлов ҳуқуқи бу — сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайлаш ҳуқуқига эгалигида намоён бўлади. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муким яшаган фуқаролар эгадирлар.

Тенг сайлов ҳуқуқи — ҳар бир сайловчи бир овозга эгалигини ва фуқаролар жинси, ирқи, миллий мансублиги, тили, динга муносабати ва ҳоказолардан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, бу — Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланишларидир.

Яширин овоз бериш деганда, Қонунчилик палатаси депутатлари сай-

ловда эркин ва яширин овоз берилиши, овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмаслиги тушунилади.

Қонунда босқичма-босқич сайлов тартиби белгилаб қўйилган Бугунги кунда Республикаимизнинг барча ҳудудларида шу тартиб асосида сайлов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда сиёсий партиялардан ва фуқаролар ташаббускор гуруҳидан депутатликка номзодлар кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Шунга мувофиқ қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз йигирмага ҳудудий округ тузилади. Ҳар бир сайлов округидан биттадан депутат сайланади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчи рағбати мумкин қадар кўпроқ қўлайли яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига кирди. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Сайловолди ташвиқотлари депутатликка номзодлар Марказий сайлов ко-

миссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. У номзоди рўйхатга олинганидан сўнг тегишли сайлов округи доирасида йўловчилар транспортининг барча турларида бепул юриш ҳуқуқига эга.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси исми-шарифи сайлов рўйхатига киритилади.

Сайловчиларга сайлов бюллетени тарқатилади ва сайловчилар сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача овоз беришлари мумкин.

Овоз бериш натижаси аниқланганидан кейин Марказий сайлов комиссияси сайлов ақунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қилади.

Агар сайлов округи депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича икки hafta ичида округда такрорий сайлов ўтказиш бўйича қарор қабул қилади.

Омина КАРИМОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети қошидаги ЮНЕСКОнинг «Фуқаролар таълими ва кадриятлар» кафедраси мудири, профессор.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикасининг Афинадаги бош консулхонасида мамлакатимиз парламент сайловларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Греция парламенти аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ушбу мамлакатда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Брифингга Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти, бўлиб ўтадиган сайловларнинг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳусусида батафсил ахборот берилди. Йиғилганлар ушбу сиёсий воқеанинг Ўзбекистон ҳаётидаги ўрни, унга кўрилаётган тайёргарлик билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Бундай кизиқишни Греция оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, «Афина пресс» газетасининг «Сайловлар ақинлашмоқда» номли мақоласида мамлакатимиз парламенти ва парламентаризми тарихи ҳақида хикоя қилиниб, «Умумхалқ референдумида кўллаб қувватланган икки палатали парламентни бунёд этиш ғояси мамлакатда демократияни ривожлантиришда янги босқични очиб бериб, ижтимоий тараққиётга, фуқаролар ва давлат ўртасидаги амалий мулоқотни фаоллашувига хизмат қилади» деб қайд этилган.

Парламент сайловлари яқинлашган сари хориждаги кўплаб сиёсатшунослар, олимлар, давлат арбоблари бу воқеага нисбатан ўзининг муносабатини билдиришмоқда.

— Икки палатали парламент тизимига ўтиш Ўзбекистон учун демократия соҳасида қўйилган муким кадам бўлади, — дейди Япония парламенти юқори палатаси аппаратининг масъул ходими Ясуо Накаучи. — Сайловлардан сўнг икки палата ўртасида мамлакатнинг истиқболдаги тараққиёти билан

боғлиқ баҳс-мунозаралар янада фаолроқ тус олади. Парламентнинг ҳуқуқат устидан назорати кучаяди, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошади.

— Ўзбекистонда ўтадиган икки палатали парламент сайловлари диққатга сазовор, тарихий воқеалардан биридир, — дейди Умум Хиндистон конгресс кўмитаси котиби Далбир Сингх. — Мамлакатда сайловлар арафасида уюштирилаётган халқаро анжуманлар мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, сайловларни халқаро меъёрларга мос равишда ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Мен бу сиёсий воқеани демократик руҳда ва ошкора ўтишига шубҳа қилмайман.

— Ғарбинг айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган «Ўзбекистонда демократик жараёнлар суст бормоқда» баълидаги хабарларни ўқиган эдим, — дейди САПРА Хиндики турган кунларим тамоман бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдим. Ўзбекистон демократия, эркин фуқаролик жамияти сари астойдил интилиб бораётган мамлакатдир. Яқинда Тошкентда «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқи ва ахлоқий жиҳатлар» мавзуга бағишлаб ўтказилган анжуманда иштирок этиб, мамлакат ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами билан яқиндан танишгача, ана шундай фикрга ишонч ҳосил қилдим.

«Жаҳон» АА

Ҳозирда Республикаимиз жамоатчилиги катта сиёсий воқеа арафасида турибди. Икки палатали парламентга сайловлар ўтказилиши Ўзбекистоннинг яқин келажаги учун аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

Учрашувлар

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган ана шу сайловлар жараёнида инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик ва адолатли сайловларни ташкил этиш гоятида муким масала. Ўзбекистон халқи конституциявий меъёрлар асосида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куришни бош мақсад қилиб белгилаган. Бинобарин мамлакатимизда демократияни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳам ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида олий қонунчилик органи фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштиришдир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида олий ўқув юрлари талаба-ёшларининг сиёсий партияларнинг жамиятда тугган ўрни» мавзусида давра суҳбатида ҳам ана шу хусусда сўз борди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор Равшан Ашуров, сиёсий партиялар вакиллари ва бошқалар икки палатали парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловларда ёшлар иштироки, кўппартиявийлик шариоитида соғлом рақобатнинг муким ўрин тутиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, талабаларни мулоқотга чорладилар.

Қизиқарли савол-жавоблар, баҳс-мунозара руҳида ўтган мулоқот давомида «Сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясидаги тактикаси», «Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини ташкиллаштириш», «Ташаббускор гуруҳларнинг сайлов жараёни давридаги фаолияти» мавзулари ҳам кенг муҳокама қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар вакиллари билан бу каби эркин мулоқотлар талаба-ёшларнинг сиёсий билимларини шакллантиришда муким аҳамиятга эга бўлади.

Замира ИШОНХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети декани.

Саҳна

**ДАНИЯДА
НАМОЙИШ
ҚИЛИНАДИ**

Келгуси 2005 йилда машхур ёзувчи Ганс Христиан Андерсен таваллуд топганлигининг 200 йиллиги кенг нишонлади. Кўгирчок театрларининг навбатдаги халқаро фестивали эса шу санага бағишланади.

Данияда ўтказиладиган «кичик саҳна» усталарининг бу нуфузли ижодий кўригида «Яна Андерсен» деб номланган спектакль ҳам намойиш қилинади. Маэкур постановка Тошкентдаги Республика кўгирчок театри рус ижодий гуруҳи томонидан саҳналаштирилди.

Кувонarli томони шундаки, «Яна Андерсен» постановкаси Россиянинг Краснодар шаҳрида яқинда уюштирилган «кичик саҳна» асарлари олтинчи халқаро фестивалида муваффақият қозонди.

**«ЎЗБЕКИСТОН
ЙЎЛЛАРИ»
ЭКРАНДА**

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шаҳар ва кишлоқ марказларида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кенг ва текис кўчалар, кўприклар ҳам кад ростлади.

Бундай кўркам иншоотлар ҳақида хикоя қилувчи янги ҳужжатли фильм яратилди. Ёзувчи Гаффор Хотамов сценарийси буйича суратга олинган «Ўзбекистон йўллари» деб номланган маэкур экран асари томошабинларда завқ-шавқ уютди.

Таникли кинорежиссёр Шухрат Бизоатов томонидан моҳирлик билан постановка қилинган бу фильм орқали замонавий усулди қурилган равон Халқа йўллари, «Камчик» дово-ни каби иншоотлар билан ҳам танишамиз. Айни вақтда мамлакатимизни қўшни республикалар билан туташтирувчи магистрал йўллар манзаролари ҳам қизиқиш билан томоша қилинади.

«Ўзбекистон йўллари», «Ўзбектеелефильм» студиясининг навбатдаги ижодий ютуғи деб баҳоланди.

Алоқа

**ЁРУФ ЮЗ
БИЛАН**

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг Мирзо Улуғбек телефон боғламасида биринчилардан бўлиб ҳисоб-китоб маркази очилган эди. Бу жараён компьютер қурилмалари билан бошқарилади. Бу ерда дебитор бўлими ташкил этилиши билан телефон хизматининг қатор замонавий турлари йўлга қўйилди.

Ҳозир корхона 86 минг мижозга хизмат кўрсатмоқда. Унда хизмат қилаётган алоқачи ходимларнинг аксарияти ўз касбининг моҳир усталари ҳисобланади. Шу боисдан барча кўрсаткич режалари ўз вақтида тўлиқ адо этилмоқда.

Амир Темури маҳалласини телефонлаштириш режаси амалга оширилмоқда. Натихада 500 абонент ўз телефони-га эга бўлади.

Акбар АЛИЕВ



Ана шу эзгу ният сабаб, 1996 йил «Шарқ» нашриёт матбаа концерни ҳозирда акциядорлик компанияси ва Хитой Республикасининг «Шанхай Доли» фото ускуналар, лаборатория ва технологиялар ишлаб чиқариш компаниясининг ўзаро ҳамкорлигида, «Шадисо» фото маркази ўзбек-хитой қўшма корхонаши ташкил қилинди. Бу ишга матбаа соҳасининг чинакам заҳматқоши Ислон Шогулумов ва «Шанхай Доли» компанияси президенти Ву Шен бош-қош бўлдилар. «Шадисо» қўшма корхонасини очишдан мақсад эса, «Шарқ» акциядорлик компаниясида чоп этилаётган газета ва журналларга самарали ва тезкор хизмат қилиш, уларда чиқарилаётган суратларнинг сифатини янада яхшилаш, фотомухбирларга қулай шароитлар яратиб бериш, асосийси халқимизга сифатли маиший хизмат кўрсатишдан иборат эди.

Хитойдан таклиф этилган 8 нафар малакали мутахассислар суратга олиш ва уни чиқариш жараёнининг турли йўқ-йўриқларини, замонавий асбоб-ускуналар билан лабораторияда ишлашнинг нозик сирларини ўргата бошлашди ва корхонанинг ўзида олти ойлик ўқув курсларини ташкил қилишди.

Шундай қилиб, 1997 йилда «Шадисо» қўшма корхонаси ўзининг иш фаолиятини 25 нафар малакали ходимлар билан бошлаб юборди. «Шадисо» ҳозирда наинки пойтахтимиз, балки республика миқёсида ҳам энг нуфузли суратга олиш ва уларни юқори сифатда ишлаб чиқараётган корхона ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан келадиган доимий мижозлар учун бир қанча қулайликлар яратилган, корхонада 4 та катта-кичик лаборатория жиҳозлари, бир қанча босма машиналар мавжуд.

— Бу қўшма корхона икки мамлакат ўртасидаги ўзига хос дўстлик кўприги ҳисобланади, — дейди корхонанинг Ўзбекистондаги бош раҳбари Миробид Иноятов. — Чунки биз наинки ҳамкоримиз, балки ҳамкадам, ҳамнафас, дўст-биродаримиз. Бирга ишлаймиз, ўрганамиз ва ўргатамиз. Хитойлик ҳамкоримиз Чжао Ан Пин билан ҳамжиҳатликда маслаҳатлашиб иш юритамиз, жорий йилнинг октябр ойида Хитой Халқ Республикасида янги «Доли-2003» деб номланган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган замонавий рақамли машина ва 4 дона янги компьютер олиб

Қўшма корхоналар фаолиятидан

«ШАДИСО» ЧОРЛАЙДИ

Аждодларимизнинг Истиклол нашъасидан, неъматларидан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги асрий орзу умидлари энди чинакамига рўйбга чиқмоқда. Мустақиллик мевалари ўзини барча жабҳаларда рўй-рост намойён этмоқда. Бугунги куннинг асосий вазифаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини кенг кўламда қондириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада оширишдан иборатдир. Давр талабига биноан, бозор иқтисодига ўтилаётган жараёнда чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, техник асбоб-ускуналар, янги технология андозаларини жорий этиш, хориждан келган юқори малакали мутахассислар билан ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

келдик. Албатта бу жиҳозларни олиб келишда «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси раҳбарияти ва «Шанхай Доли» компаниясининг президенти жаноб Ву Шен ҳомийлик қилиши, бунинг учун биз улардан миннатдоримиз. Мана ўзин-

«Шадисо» қўшма корхонасида энг асосий қадрлар иш ўрганиб кетишди. Корхонанинг фаолиятдан фойдаланиб кетаётган мижозлар сони эса бир неча мингга йили ташкил этди. Корхонада бугунги кунда 20 нафар малакали ходимлар фаолият юртишмоқда.



Улардан техник оператор Юй Тан Хоу, муҳандис механик Доу Фенг Фу, компьютерчи Кувондик Болтаев, суратчи Юлия Гордеева ва бошқаларни ўз ишининг жонқур, моҳир усталари дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Республикаимизнинг «Халқ сўзи», «Народное Слово», «Туркистон», «Миллий Тикланиш», «Мазри-фат» каби бир қанча газеталари, «Саодат», «Санам», «Гулистон» журналларида чоп этилаётган суратларнинг барчаси «Шадисо» қўшма корхонасида ишланади. Умуман, газета ва журналларнинг фото муҳбирлари доимий равишда ушбу корхона билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Кинорежиссёрлар, актёрлар, машҳур санъаткорлардан Камолиддин Раҳимов, Фарруқ Зокиров, Юлдуз Усмонова ва «Хўжа», «Сетора», «Аср», «Нона» эстрада гуруҳлари ва ёш эстрада юлдузлари ҳам корхонанинг доимий мижозлари қаторига кирди.

Чунки «Шадисо» қўшма корхонаси уларнинг клиплари, ролларининг яратилишида ўзининг юксак сифатли, тезкор хизмати билан эътибор қозонган. Дарҳақиқат, бу қўшма корхона республикаимиздаги энг кўзга кўринган нуфузли фото марказлардан бири ҳисобланади. Хитой Халқ Республикасининг «Шанхай Доли» фото ускуналар, лаборатория ва технологиялар ишлаб чиқариш компаниясининг жиҳозларини сотиш ҳуқуқига эга бўлган Урта Осиёдаги ягона вақили ҳам ушбу корхона ҳисобланади.

Биз «Шадисо» қўшма корхонасининг кейинги фаолиятига омадлар тилаб қоламиз:

Гулҳебра ДҮРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Шадисо» қўшма корхонаси фаолияти ва унинг махсулотларидан лавҳалар.



гиз гувоҳи бўляписиз, машинани ҳам, компьютерларни ҳам ишга тушириб юбордик. Ниятларимиз бисёр, кўзлаган мақсадларимиз ҳам, режаларимиз ҳам кўп. Ўзига яраша муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Асосийси ниятимиз ҳолис, халқимизга озми-кўпми нафимиз тегса шунинг ўзи биз учун шараф. Мижозларимиз хожатини чиқариб кўнглини олиш эса, бизнинг вазифамиз ва бурчимиз.

Дарҳақиқат маданиятшунослик фанлари номзоди Миробид Иноятов талабчан, қатъиятли шунинг баробарида меҳрибон раҳбар. Мана 7 йилдирки ушбу қўшма корхонани бошқариб келмоқда. Абдулла Қодирий номидидаги Тошкент Давлат маданият институтини тугатганидан сўнг ушбу

Тадбирлар

МЕҲР КЎЗДА

Азал—азалдан халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибатлиги, гўзал одоби, олий ҳимматлиги бебаҳо фазилатларидан ҳисобланади. Меҳрли, оқибатли халқимиз етим-есирларга, муҳтожларга доимо ёрдам кўрсатиб келган. Ҳозирда ҳам ушбу хайрли анъанани давом эттирган ҳолда мурувват тадбирлари ташкил этилмоқда.

Яқинда, шаҳримиздаги 23- Меҳрибонлик уйида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши томонидан «Меҳр кўзда» деб номланган савоҳат тадбири ўтказилди.

Унда тумандаги барча ўрта-максус касб-ҳунар билан даргоҳлари ҳамда олий ўқув юртларидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг аъзолари иштирок этди. «Камолот»

чилар маэкур мурувват масканди тарбияланаётган болажонлар учун қизиқарли томошаларни намойиш этидилар. Шунингдек, турли хил спорт мусобақалари, ақлни чархлайдиган қўрик-танловлар болажонлар хотирасида анчагача сақланиб қолади, деб уйлаймиз. Тадбир сўнгида болажонлар учун ҳомийлар томонидан спорт кийимлари инъом этилди.

Уйлаймизки, бу каби савоҳат, мурувват тадбирлари кейинчалик ҳам давом этади. Зеро, зиммамиздаги инсоний вазифаларни адо этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Юлдуз УСМОН



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тургунпўлат Абидович Даминов 1941 йилда туғилган. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Ҳамза туманининг 32-Машинасозлар округи бўйича рўйхатга олинган.

XXI аср — демократик ривожланиш қадрлари, тамойиллари ва меъёрлари, адолатлик мақсадлари шунчалик универсал бўлиб қолдики, уларнинг зарурияти ва таъсирчанлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмаётганлиги билан таърифланади.

Мамлакатимиз қисқа тарихий давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш сари дадил ва изчил қадам ташламоқда. Фақат ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт ва барқарорликни, давлат ва жамият бошқарувида инсон ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди. Демократик тамойиллар кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Маҳалла ва бошқа ўзини ўзи бошқариш органлари институтлари кенг миқёсда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон фуқаролари давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этмоқда. Кўппартиявийлик жамиятимиз ҳаётининг меъёрига айланиб бормоқда. Айнан шу боис кундан кунга сиёсий партияларнинг жамиятдаги роли ошиб бораётир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимиз сиёсий майдонида 1995 йилнинг 18 февралдан ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда унинг сафарида 50 мингдан зиёд аъзолари бор. Парламентда бизнинг партиямизнинг ҳам депутатлик фракцияси мавжуд. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг шу номдаги босма нашри мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, «Адолат» партияси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни ва мавқеига эгадир.

Ил сайин партиямизнинг ҳайрихоҳлари ортиб бормоқда. Ва бу табиийдир, зеро бизнинг партия том маънода адолатлик ҳукм суриши учун бел боғланган.

Адолатлик эса ҳар бир вақтда бўлган ва ҳар қандай фуқаролик жамиятининг асосий негизи ҳисобланади. Айнан шу омил халқимизнинг бизнинг партияга бўлган ишончи ошиб бораётганини белгилайди.

«Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламига таянади, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларининг қонунчилик йўли билан ҳар томонлама қарор топишига, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашади, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари таъминланишига ҳаракат қилади.

Бизнинг партия социал-демократиянинг умумий тамойилларига риоя этади, шу жумладан:

- жамият, давлат, иқтисодиёт, ижтимоий сиёсатни демократлаштириш ва шу билан бирга бюрократлашишдан чиқариш;
- шахснинг эркин ривожланиши;
- эркинлик ва адолатлик каби инсоний қадрлар таъминланиши;
- инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши;
- қонунчилик устуворлигининг таъминланиши;
- жамиятда ҳуқуқий маданият юксалиши;
- ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ҳукм суриши;
- ишсизлик, жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятни ахлоқий-маънавий таназзулдан асраб-авайлаш;
- ёш давлатлар миллий-маданий ва сиёсий анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш;
- иқтисодиёт соҳасида демократик назоратни йўлга қўйиш; инсониятнинг экологик эҳтиёжларини ҳисоб-китоб қилиш;
- дунёда ядровий қуролланишни қисқартиришни қўллаб-қувватлаш, коинотни милита-

ризациялашдан асраш асосий вазифаларимиздандир.

Айни пайтда муҳим жараён — икки палатали парламент ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдида турган эканмиз, биз вилоят, туман ва шаҳарларда партия ташкилотларини мустақамлаш борасида тегишли ишларни амалга оширишни давом эттирмақдамиз. Зеро, бўлажак сайловлар ҳар бир сиёсий партия учун катта аҳамиятга эга синовдир. Бизнинг асосий мақсадимиз — Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, шунингдек, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида ҳам кўпроқ мандатни қўлга киритишдир.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида биз яна бир

КУЧ — АДОЛАТДА



Тургунпўлат
ДАМИНОВ,
Ўзбекистон
«Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

бор илгарилари партиямиз сайловли жараёнларида орттирган тажрибасини таҳлил этиб, ўзимизнинг галдаги сайловли беллашиш стратегиямизни ишлаб чиқаямиз. Бунда, албатта, фуқароларимиз манфаатларини ҳамда партиямиз нуфузини оширишга доир бошқа омилларни ҳисобга олмақдамиз.

Социал-демократия ишсизликка, миллатчиликка, ижтимоий адолатсизликка, инсон ҳуқуқлари бузилишига қарши ҳаракат қилади ва шу билан бирга бутун дунёда адолатлик, ҳаққонийлик тамойилларига амал қилинишни қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунда дунёда мустақил ва бошқа сиёсий партиялар билан коалицияда соинтернационалга кирувчи 28 та партия ўз давлатларини бошқаради ёки ҳукумат тепасидадир. Аксарият ҳолларда улар халқ фаровонлиги, турмуш тарзи ошишига, жамият ҳаётига демократия, плюрализм — кўп фикрлик татбиқ этилишига эришади. Бу борада Норвегия, Швеция, Дания, Германия, Франция ва яна бир қатор социал-демократлар томонидан бошқарилаётган Европа давлатлари мисол бўла олади.

Социал-демократлар мавқеи ошишида Вилли Брандт, Улаф Пальме, Тони Блэр, Герхард Шрёдер ва Беназир Бхутто сингари таниқли сиёсий арбоблар катта роль уйнаган. Социал-демократик партияларнинг эришган муваффақиятлари Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси учун катта мактаб ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида мустақил Ўзбекистонда социал-демократиянинг қурилиши ва ғояларининг умумбашарий қадрларга асосланган ижобий тажрибаси қўлланилиши ижтимоий тараққиёт йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

«Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади — Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан мустақам ўрин эгал-

лаши йўлида мустақилликни мустақамлашга, ислохотларни жадаллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг барпо этилишига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Партияимизнинг ғоявий асоси учта тамойил билан белгиланган. Бу сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолатлик ҳисобланади.

Сиёсий адолатлик тамойили ўз ичига фуқаролик ҳуқуқ ва сиёсий эркинлиги, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини, шунингдек, ҳар бир кишига тенг равишда сайлаш ҳуқуқи, ҳар кимнинг қонун олдида тенглигини ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодий адолатлик тамойили таъминланиши деганда партия мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат ва хусусий мулкчилик ривожланиши ва тенглигига эришишга ҳаракат қилади.

Ижтимоий адолатлик — бу жамиятнинг ҳар бир аъзосига меҳнатига лойиқ равишда унинг ўз истеъдоди ва ҳаётий эҳтиёжлари таъминланишида тенглик, бирлик имкониятларини яратиш демакдир.

Ижтимоий адолатлик тамойили деганда инсонлар фаровон ҳаёти учун реал — аниқ шароитлар яратиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, улар кафолатланган таълим, тиббий хизматдан фойдаланиши, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ор-номуси ва кадр-қиммати ҳимоя қилиниши, ўтиш даврида аҳолининг барча қатламларининг ижтимоий муҳофазаси таъминланиши назарда тутилади.

Иқтисодий ислохотлар шароитида «Адолат» партиясининг асосий вазифаси ер эгаси ҳисобланган деҳқонларга суянган ҳолда ҳамда уларнинг мустақил иш юритиши учун шароитлар яратишга эришиб, қишлоқларда иқтисодий ўзгаришларнинг юзага келишини қўллаб-қувватлайди ва шу нуқтага назардан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигига эришишини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, атроф-муҳитга, экологияга хавф туғдирувчи ҳолларнинг олдини олишга кўмаклашишга ҳаракат қилади.

«Адолат» социал-демократик партияси барча ҳўжалик, тижорат ва ишлаб чиқариш тузилмалари эркин фаолият юритиши, бизнес ва тадбиркорлик изчил ривожланишига зарур шарт-шароитлар яратишига кўмаклашади.

«Адолат» социал-демократик партияси ўсиб келаётган авлоднинг халқимиз бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ижтимоий адолатлик ғояларини сингдириш, миллий қадрлар таъминланиши урф-одат ва анъаналарни бойитиб бориш руҳида шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади. Партиянинг сиёсий кенгаши негизда тузилган ёшлар кенгаши бевосита ушбу қайд этилган масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Вилоят партия ташкилотларида ҳам фаолияти фарзандларимиз сиёсий онгини ошириш борасида тегишли тарбиявий ишларни олиб боришга йўналтирилган кенгашлар ташкил топган. Сайловчиларнинг катта қисми ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳар бир билдирган фикри биз учун аҳамиятга моликдир.

Ўйлайманки, кутилаётган сайловлар турли партияларнинг ҳақиқий сиёсий беллашув майдонига айланади. Бошқа партиялар каби бизнинг ҳам мамлакатимиз қонунчилик органида ҳамда маҳаллий Кенгашларда кўпроқ жой эгаллашга ишончимиз бор ва шундан келиб чиққан ҳолда парламент йўналишидаги партия бўлмиш «Адолат» ўз дастурини қонунчилик йўли билан татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Бизнинг партия кейинчалик ҳам ўз фаолиятини «Адолатлик — қонун устуворлиги» тамойилига асосланиб, шунингдек, давлатимизнинг «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» ички сиёсатини илгари сурган ҳолда амалга оширади.



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЯРАТУВЧИЛИК ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Хайриниса Халматовна Мирзажонова 1947 йилда туғилган. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Бектемир туманининг 8-Сувчи округи бўйича рўйхатга олинган.

Миллий истиқлол мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиб берди.

Ўзбекистонда тарихан қисқа даврда ранг-баранг демократик институтлар юзага чиқди. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларнинг вужудга келиши ҳамда стилиши учун барча асослар яратилди.

Муштақил миллий давлатчиликни шакллантириш, ўз-ўзини англаш ва таниш йўлидаги ижтимоий-маънавий сиёсатнинг, миллий уйғонининг маҳсули сифатида 1995 йилнинг ўртасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ташкил топди. Шунингдек, партия мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этувчи хотин-қизларни ҳамда келажагимиз бўлган ёшларни ўз сафларига кўпроқ жалб этиш ва уларни давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида «Аёллар қаноти» ҳамда «Ёшлар қаноти»ни ташкил этган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси республикада миллий тикланиш масаласига риоя этувчи гуруҳ ва табақаларга мансуб фуқароларни ихтиёрий равишда сиёсий оқимга бириштирган, миллий тикланиш гоёлари руҳида фаолият кўрсатадиган парламент типидagi партиядир. Партиянинг бош мақсади — миллий манфаатлар заминидаги янги ўзбек давлатининг асосларини яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти барпо этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилишда фаол иштирок этишдан иборатдир.

Партия ташкил топгандан буён аҳоли онгига «Ватан — ягона оила» туйғусини, ватанпарварлик ҳиссини сингдиришга, ўз сафларига миллатнинг асл ватанпарвар, садоқатли ва фидойи фарзандларини бириштириш ва уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқбол сари йўналтиришга, ўз-ўзини теган англаган, сиёсий маданияти етук, демократик гоёларга садоқатли, ташаббускор, юксак малакали ва маънавиятли, Истиқлол ва Ватан истиқболни манфаатларини бошқа ҳар қандай манфаатлардан устун деб биладиган, миллат равнақи ва миллий тикланиш йўлида фидойи ёш авлоднинг тарбиялашга, халқ тинчлиги ва фаровонлиги манфаатлари йўлидаги ислоҳот ва сиёсатни қўллаб-қувватлашга, миллий манфаатларга зид ҳар қандай ҳаракатни кескин рад этиш ва унга қарши курашишга ҳаракат қилмоқда.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ўз сафидаги ва унга хайрихоҳ бўлган ёшларни давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий бошқарув фаолиятларида кенг иштирок этишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, чунки давлат ва бошқарув органларида кўпроқ янгича фикрлайдиган ёшлар бўлиши тарафдордир.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таркибий қисми ҳисобланган Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам партия низоми ва сайловдoli дастури асосида фаолият кўрсатиб, Тошкент шаҳрининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан туманларда фаолият кўрсатаётган партия ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қўламли учрашувлар, давра суҳбатлари ва турли тад-

бирлар ўтказилди. Бунда мунтазам равишда зиёлилар — ёзувчи, шоир ва халқ таълими ходимлари иштирок этмоқдалар. Жойлардаги партия ташкилотлари меҳнат жамоаларида ва турар жойларда фаолият кўрсатиб, одамларда ташаббускорликни уйғотишга, уларда кўпроқ меҳмурувват туйғуларини шакллантиришга, маънавиятли, маърифатли комил инсонларни тарбиялашнинг энг мақбул йўлларини ижодий излашга сафарбар қилишга интилади. Туман кенгашлари томонидан жойларда ташаббускор, янгича фикрловчи илғор кишиларни қўллаб-қувватлашда ва улар атрофида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, меҳнат жамоаларида ва турар жойларда ҳамжихатликни сақлаш

тиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш биз, сиёсий партияларга катта масъулият юклайди. Зеро, сайловлар жуда катта сиёсий жараён бўлиб, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, унда ҳар хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам биз, «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари олдида жуда катта вазифалар турибди.

Партия Низомининг 4.1 бандида «Партия аъзолари партия ташкилотларининг тавсияси билан ўз номзодини ўзини ўзи бошқариш вакиллик органларига, туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Олий Мажлис депутатлигига қўйиши мумкин» дейилган.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотларининг барча бўғинлари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва Тошкент шаҳар Кенгашига номзодлар кўрсатиш ва уларни тегишли сайлов комиссияларида рўйхатдан ўтишларида каттагина ишларни амалга оширди.

Ҳозирги кунда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига етти нафар ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка 55 нафар номзодлар кўрсатилган. Албатта, бу жараёнда энг муносиб номзодларни танлашга, уларнинг интеллектуал имкониятларига, халқ учун манфаатли фаолият кўрсата олишига алоҳида эътибор қаратилди, яъни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган 55 нафар номзодлар орасида икки нафари фан доктори, етти нафари — фан номзодлари, халқ ўқитувчиси ҳам бор. Номзодларни танлашда янгича фикрлайдиган ёшларга ҳам эътибор қаратилди. Уларнинг 14 нафари — 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларимиздир.

Қутилаётган сайловнинг яна бир муҳим ва эътиборга лойиқ бўлган томони шундаки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»га сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддасига қўйидаги тахрирдаги ўзгартириш ҳам киритилган: «Хотин-қизлар сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим».

Ўттиз фоизлик квотанинг берилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Юртбошимиз томонидан хотин-қизлар учун яратилаётган аниқ имконият ва юксак ишончдир.

«Миллий тикланиш» партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига кўрсатилган 10 нафар номзодларнинг 30 фоизи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган 55 нафар номзодларнинг 60 фоизининг хотин-қизлардан бўлишига эришди.

Эндиги вазифа, аввало, партиянинг ўзи, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, партияга хайрихоҳларни қўпайтириш ва албатта кўрсатилган номзодларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, сайлов кунда вакиллик органларида муносиб ўринни эгаллаш учун ҳаракат қилишдан иборатдир.

ТИКЛАНИШ — ЮКСАЛИШ ДЕМАКДИР



*Хайриниса
МИРЗАЖОНОВА,
Ўзбекистон
«Миллий тикла-
ниш» демократик
партияси
Тошкент шаҳар
Кенгаши раиси*

бўйича аниқ ишлар амалга оширилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш ишларини амалга оширишга ҳам алоҳида эътиборни қаратмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларига «Ўқитувчи» наشريёти билан ҳамкорликда янги ўқув йили учун бепул дарсликлар совға қилинди, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларга оталиқ ёрдамлари кўрсатилди, хайрия тadbирлари ўтказилди. Партия ўз фаолияти давомида кексалар тақдирига ҳам бепарқ эмас. Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жонини фидо этганлар хотирасини муқаддас сақлаш, «Хотира ва қадрлаш» кунларида жангтоҳлардан соғ-омон қайтган қаҳрамонларни ва жанг майдонларида ҳалок бўлганларни ёд этишни ва ҳол-аҳвол сўрашни ўз бурчи деб билди.

Шаҳар, туман кенгашлари ёшлар билан ишлаш масаласини ҳам ўзининг энг муҳим, устувор вазифаларидан бири деб билади. Шаҳримиз ёшлари билан ўтказилаётган учрашувлар, спорт мусобақалари бунга мисол бўла олади. Ёшлар билан олиб бориладиган ишларни янада такомиллаштириш бўйича шаҳар кенгаши кенгайтирилган дастурга эга.

Маълумки, жорий йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлади. 2002 йил январда бўлиб ўтган референдум яқунлари асосида Конституциямизга киритилган ўзгаришларга асосан қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис икки палатали парламент тизимига ўтади. Сайловларни ташкил этиш, муносиб номзодларни кўрса-

Шарқ дурдоналари



● Ҳақиқатга асосланган истеҳзо қалбга наштадек санчилади.

Хикоят: кўр киши қоронғу кечада қўлида чирок, елкасида кўзача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кечакундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-бараварку, чирокнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди: — Бу чирок ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кунгил кўзи кўр беҳабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўймагасан.

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечораҳолроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

Ривоят: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига: — Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан ожизроқ, бечорароқ, паршион яна ким бор? — деб ййглади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига кўк ортилган эшак бу дардманд одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлингда кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

● Доно билан сўзлашганда кампан бўл.

● Яхши гапиршиш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахт-сизилкидир.

● Яхши сўхбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

● Тинглашда биринчи, гапиршишда эса охиригиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоеън бўлмасин десанг, ўзгаларни эътибор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий»-да ушбу хикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳақимлардан бири айтимиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқдор бўлмади. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлаш бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Хикमतдан маълум бўладики, сўхбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрناق олса бўлади-ган фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

Байт:
Оқиллар наздида сукут сақлаш одобдур, Лек савол ташлаганда сўз демок ижобатдир.

● Пархезгарда уч фазилат бор: ёмонлар билан бирга ўтиришдан сақланади, ғийбат ва ёлгондан узоқ юради, ўзи шубҳаланган нарсаларни ҳаром ҳисоблаб шубҳаси тарқалмагунча уларга яқинлашмайди.

● Бағрतोшда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қониқмайди, ҳар қанча насиҳат берсалар қабул қилмайди.

● Вафали кимсада уч фазилат бор: ибодат, садақа ва (ўзгалар) гуноҳини яширади — шуларнинг ўзи унинг сидқидилигидан нишонадир.

Хожа Аҳрор Валийнинг шоғирди аржуманди Муҳаммад Қозининг «Силсилалат-у-ориқийн» асарига ёзилишича, Хожа Аҳрор Хожа Маҳмуднинг ўғлидир. Хожа Маҳмуд эса Хожа Шаҳобуддиннинг ўғли бўлиб, Хожа Шаҳобуддин уч-тўрт авлод орқали Хожаи Номийга бориб боғланади. Хожа Маҳмуд Номий асли Бағдоддан бўлиб, шофеия уламосининг улугларидан бўлмиш ва зоҳиру ботин (тасаввуф) илмида ўз асрининг нодири ҳамда замонасининг имоми Ҳазрати Шайх Абу баср Муҳаммад ибни Али ибни Исмоил Қаффоли Шошийнинг муриди бўлган, ҳазратнинг мулозамати муносабати билан Шошга келиб, бу ерда тургун бўлиб қолади. Хожа Аҳрор Валийнинг волидалари эса Шайх Довуднинг қизи бўлиб, Хожа Довуд Ҳазрати Шайх Хованди Тахурнинг ўғлидир. Шайх Хованди Тахур эса Шайх Умар Боғистонийнинг ўғлидир.

Шайх Қаффоли Шоший ва Шайх Хованди Тахурнинг муборак қабрлари Тошкент шаҳрида ва Шайх Умар Боғистонийнинг табаррук қабри Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги ғўзал Боғистон қишлоғида ҳозир ҳам муқаддас қадамжо сифатида халқимиз томонидан чуқур ва самимий эъзозланиб келинаётган.

Шайх Умар Боғистонийнинг покиза ва бузургвор фарзанди Шайх Хованди Тахур, унинг айрим раҳшалари (панд-насихатлари) ҳақида Фахрулдин Али ас-Сафийнинг «Рашоҳот айнул-хаёт» («Ҳаёт бўлганда оққан томчилар») асарига келтирилган. «Рашоҳот» муаллифи томонидан ёзилишича, Шайх Хованди Тахур падари бузургвори Шайх Умар Боғистоний ҳузурига дастлабки таълим-тарбияни олган, билимларини ошириш мақсадида Ясавий таълимотига мўътақид бўлган Тангуз Шайх ҳузурига бир неча йил Ясавий тариқатини, унинг зоҳирий ва ботиний илмларини пухта ўрганади. Тангуз Шайх оиласига ўтин тегиб келтириш, ўчоқда ўт ёқиш каби хонадон юмушларини ҳам бажаради. Шундан сўнг Бухорои шарифга бориб бир неча йил Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Сайид Амир Қуллоб, Хожа Баҳауддин Нақшбанд сингари Хожাগон тариқатининг улкан машойихлари ҳамда Бухорои шарифнинг бузургвор пирлари билан ҳамсўхбат бўлиди ва улардан Хожাগон тариқатининг йўл-йўриқларини ҳам пухта ўрганади. Шу залда Шайх Хованди Тахур ҳам Ясавий, ҳам Хожাগон (Нақшбандия) тариқатларининг йирик машойихи бўлиб етишади.

«Рашоҳот»-да берилган маълумотларга кўра, Шайх Хованди Тахур ўз замонасининг йирик мутасаввуф донишманди сифатида сўфия тариқатига оид бир неча рисолалар, кўплаб «маорифшор» (Худони англаш) руҳида шеърлар ва рубоийлар ёзиб қолдирган эканлар. Ҳазрати Шайхимизнинг маърифий шеърлари кўп бўлиб, гоҳ-гоҳ ўз сўхбатлари асносида уларни сўхбатдошларига қарата айтар ва диққат-эътибор ила уқидар эканлар.

Шайх Хованди Тахур томонидан севиб айтиладиган бир ибратли фикр мана бундай жаранглайди:

«Дилбар бўлмас бежамол, раҳбар бўлмас бекамол».

Ҳазрати Шайхимиз ўз сўхбатлари пайтида мана бу рубоийларини алоҳида қизиқиш, шавқ-заъв билан қироат қилар эканлар:

«Маҳбуб ба жуззи Ҳабиб зебо набувад, Ҳар боғча жойи тамошо набувад. Дилро ба касе мадеҳ, ки дар олами Ишқ, Ҳар жо ки, равад раҳти вафо жо набувад».

Яъни:
«Ҳабиб бўлмаган жойда маҳбуб — зебо бўлмағай, Ҳар қандай боғчада ҳам жойи тамошо бўлмағай. Муҳаббат оламида ҳар кимга кўнгул берма, Чунки ҳар Инсонда ҳам дили вафо бўлмағай».

Энди Шайх Хованди Тахурдек бузургвор донишманд бобокалонимизнинг улуг ва ўз даврида «олами кубро» саналмиш набираси, буюк мутасаввуф донишманд Хожа Убайдуллоҳ яъни Хожа Аҳрор Валий ҳақида қисқача тўхталсак.

Даставвал бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтиш лозим бўладики, Истиклолимиздан олдинги мустабид тузум пайтида Хожа Аҳрорга бўлган муносабатлар салбий эди. Мустақиллигимиз шарофати ва баракоти билан ўтмишдаги буюк сиймоларимиз қаторида Хожа Аҳрор Валийга ҳам алоҳида иззат-ҳурмат кўзи билан қарай бошладик.

Хожа Аҳрор Валийнинг ўта хайрли

Хожа Аҳрор Валий таваққулининг 600 йиллиги олдидан

ШАЙХ ХОВАНДИ ТАХУР ВА ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ

Бузургвор мутасаввуф донишманд Шайх Хованди Тахур (вафоти 1359-1360) билан унинг набираси Хожа Аҳрор Валий ал-Шоший ас-Самарқандий (1404-1494) маънавиятимиз осмонидagi порлоқ юлдузлардан саналади.

ҳаётлари ҳақида сўз юритар эканмиз, шу ерда ул зоти муборакнинг болалиги содир бўлган бир воқеани эслаб-тиб ўтайлик. Болалик пайтида анча заиф ва касалманд бўлган Убайдуллоҳ бир кунни ота томонидан улкан ажодди Ҳазрати Шоший қабрларига келиб зиёрат қилади. Мазкур зиёрат асносида Ҳазрати Исо (а.с.) Қаффоли Шоший ёнида унга (тушида) яққол намоеън бўлади ва лутф айлаб деди: «Бўтам, энди сен парво қилма, сенинг тарбиянг билан ўзимиз махсус шуғулланамиз, сенга энди шундай валоат (валийлик) насиб қиладики, сен бундан буён ўлик қалбларни тирилтириш қобилиятига ноил бўлурсен».

—Шундан сўнг, — деб хикоя қилдилар Ҳазрати Хожа, — кундан кун соатба-соат бақувват бўла бордим. Ушал вақт Ҳазрати Қаффоли Шошийнинг ишоратлари ила Тошкентдаги Ҳазрати Шайх Хованди Тахурнинг муборак қабрларини ҳам зиёрат қилдим. Шундай қилиб, мендаги заифлик ва кўркүв кайфияти мутлақо йўқолди ва мен бақувват, жасур бўлиб улғая бордим.

Демак, ота томонидан ажодди буюк Шоший ва она томонидан бобокалони Хованди Тахур ҳазратлари руҳлари Убайдуллоҳни болалик пайтида ноқ қўллаб-қувватлаб, лутф ва меҳрибонлик кўрсатиб тарбиялаб борган экан, Хожамизнинг рўсиди намоеън бўлган Исо (а.с.)нинг фазлу неъматидан сўнг Хожада ҳақиқатан ҳам «мурда қалбларни зинда» қилиш қобилияти пайдо бўлади. Ҳазрати Хожанинг ўз иборалари билан айтиладиган бўлсак, мону дунёга ўта ҳирс қўйган, бойлик ортироққа учун муккасидан кетган, ҳақиқий Инсон киёфасини йўқотган «ўлик» одамларнинг «мурда» қалбларини қайтадан тирилтириш қобилияти Ҳазрати Хожада пайдо бўлади. Ушандай тирик ўлик (мурда) одамларга Хожамизнинг пок ва пурқудрат назарлари тушса, ул «мурдақалб» кишилар бузургвор Эшонга ихлоқ кўйиб мурид бўлиб, ул улуг пирмурушиднинг пок, тўғри иршодотлари (йўл-йўриқлари) ила аларнинг файзу неъматлари билан қайтадан «тирилар» ва ҳақиқий Инсон киёфасини қайтадан ҳосил қилар эканлар. Мана бу гоёт муҳим нарса, назаримизда, исломий-тасаввуфий таълимотдаги Инсон тақомили, ҳақиқий инсоний ва илохий ахлоқ, пок, ҳалол ва баркамол Инсон тарбияси масаласидир.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари лутф этган, ёшлик пайтидаги содир бўлган яна бир воқеани ҳам эслаб ўтиш ўринлидир. Болалик пайтидан захматкаш, меҳнат қилишга бағоят иштиёқманд бўлган Убайдуллоҳ падари бузруквор Шайх Маҳмуд ҳазратлари билан ҳар йили ёзда Келес томондаги ерларига бориб бугдой ҳосилини йиғишда иштирок этар экан. Бир йили бугдой пишиги пайтида отаси ўспирин

Убайдуллоҳга бугдой ҳосилини йиғиб оlishини айтиб, бугдой ўстиришга ёрдам бериб юрадиган бир турк дехқонга ҳам унинг меҳнат ҳақини беришни тайинлаб, ўзи шаҳарга тушиб кетади.

Убайдуллоҳ ёшлик ва беларволик қилиб, турк дехқонга ҳақини бермай, уни ранжитиб, ўзи бугдой хирмонини йиғиштира бошлайди. Шу пайт ёш хўжайиннинг «беадолатлигидан» дили оғриган, ундан анча ранжиган турк дехқони ёш хўжайинга ҳеч нарса демасдан, қолини елкасига ташлаб, ўз қишлоғига равона бўлади. Турк дехқонининг лом-ним демасдан ранжидохол кайфията индамай кетишлиги ёш

Убайдуллоҳга қаттиқ таъсир қилади. У ранжидадил дехқоннинг орқасидан қувлаб боради-да, ярим йўлда уни тўхтатиб деди: «Эй, ситамдида дехқон! Мен сенинг ҳақингга зулм қилдим. Мен гуноҳ қилдим, ҳақингга тажоввуз қилдим! Энди менга яхшилаб дуои нек қилгинки, сенга қилган дилозорлигим рафъа бўлсин, мен гуноҳи азимдан халос бўлай». Шунда турк дехқони ёш хўжайиннинг самимий гапларига кўнгли юмшаб шундай депти: «Сен ёш хўжайин, оддий одам эмассан! Сенинг гапларинг менга бизнинг бир машхур машойихимизнинг: «Кимни кўрсанг Хизр бил, ҳар кечани Кадр бил!» деган хикматини эслатди». Бу турк дехқоннинг ҳам оддий одам эмаслигидан ва ул дехқон айтган турк машойихининг дурдона хикмати-дан бағоят таъсирланган ёш Убайдуллоҳ мутлақо ўзгариб кетади ҳамда ўша турк дехқони билан қиёматлик дўст бўлади.

Бизга маълумки, «Кимни кўрсанг Хизр бил, ҳар кечани Кадр бил!», деган бағоят пурмаъно доно хикмат Ҳазрати Ясавийнинг махбуб шоғирди, XII асрдаги Ясавий тарикатининг забардаст мутасаввуф донишманди, машхур туркийзабон мутасаввуф шоир Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) томонидан айтилган пурмаъно, илохийнамо хикматдир.

Ҳазрати Ҳаким отанинг юқоридаги ёки мана бундай «Ҳамма бугдой — биз сомон, ҳамма яхши — биз ёмон!» деган дурдона сўзлари инсонларда камтарлик, ҳокисорлик, улугворлик, олий ҳиммат каби чин инсоний, пок ахлоқий кадриятларни улуглайди ва Инсон тақомили, инкишофи учун бағоят катта аҳамият касб этади.

Демак, ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари томонидан эсдалик тарзида айтилган юқоридаги аъжойиб ҳикоятлар, уларда баён этилган қимматбахо, ибратомуз воқеалар Ҳазрати Хожамизнинг ёшлигиданоқ бағоят зукко, фахр-фаросатли, донишманд, виждонли, иймонли, меҳр-шафқатли, улугвор, меҳридорэ зот бўлганлигидан далолат беради.

Улуг Хожамизнинг одамийлигини, инсонпарварлигини ҳамда камтарлигини кўрсатиб турувчи мана бу хикматли сўзларга эътибор беринг: «Агар бирор кимса фойдали гап айтса, у душманим бўлса ҳам, унинг келишини кутиб ўтирмасдан, мен ўзим унинг олдига бораман», «Оллоҳга яқинлашиш учун, — деб Хожамиз марҳамат қилганлар, — одамлардан ажралиб яшаш эмас, балки одамлар орасида, улар учун савобли ишлар қилиб яшаш керак. Агар Ҳаққа етишмакнинг ўнга қоидаси бўлса, шуларнинг бири Иймон, қолган тўққизтаси савоб ишлардир».

Юқоридагидек олижаноб гоғлар нафақат Хожа Аҳрор Валийнинг қутлуг Ватани бўлмиш азиз ва мўътабар улқамиз халқлари, қолаверса, бутун дунё халқлари учун муҳим ва илғор ахлоқий аҳамиятга эга бўлган умуминсоний, умумисломий ва умумбаشارий фикрлардир, десак муболаға бўлмас.

Барот БОЙКОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат муқофоти соҳиби, Ориф УСМОН,
филология фанлари доктори, профессор.

Шифобахи

Ҷисмийликлар

СИГИРҚУЙРУК

Ёввойисининг олтин рангли гули сочи қизартиради. Япроғининг қайнатмаси шишларни йўқотади. Асал билан жараҳат ва яраларга суртилади. Тиш оғриғида қайнатмаси билан оғиз чайилади. Қайнатмаси давомли йўталда фойда қилади. Бунинг оқ япроқли ва қора япроқли хили давомли ич кетишга фойдалидир.

САЧРАТҚИ

Сачратқи ички аъзолар ва томирларнинг тиқилмаларини очади. Подаграга қуюқ суртма бўлади.

Иссиқ кўз яллиғланишига фойдали. Ёввойи сачратқининг сути кўзнинг оқини кетказади.

Юрак ўйноғига қарши арпа уни билан қўшиб қуюқ суртилади. Юракни қучди қилади.

Кўнгил айниш ва сафро кўзголишини босади ҳамда сачратқини, айниқса, унинг ёввойисини сирка билан сийласа ичти қотиради.

СУНБУЛ

Ҳамма хиллари ҳам хафақонга фойда қилади. Кукрак ва ўпкани тозалайди ва уларга моддаларнинг ва наъзаларнинг оқишини тўхтатади. Жигар ва меъда тиқилмаларини очади ва у аъзоларни қувватли қилади. Ҳамма хили сариқ касалига фойда қилади, меъданинг ачишини босади. Уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айнишини босади. Ҳамма хили ҳам сийдикни юриштиради.

ТОТИМ

Ёмон яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Тотим қайнатмасини суяги тойган ерларга қўйилганда, шунда у ер шишмайди.

Қулоқнинг йиринглашини тўхтатади. Унинг елимини сийлиб кетган тишларга қўйилса оғриғини босади.

Меъдани ошлаб тозалайди ва уни қувватли қилади, чанқовни босади ва ўз норғонлиги билан иштаҳани очади: сафродан бўлган кўнгил айнишини ҳам босади.

Ичти қотиради, ҳайз қонини ва қон оқишини тўхтатади, ичак шилинишига тўсқинлик қилади. Ичаклари яра ва меъдада ҳазм бузилишидан келган ич кетишга учраган кишиларнинг овқатига қўшиб берилса, мувофиқ келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда солиқ тизими мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантирилган бўлса-да, айрим фуқароларимиз солиқларни нима учун тўлаётганликларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмайдилар. Оқибатда эса солиқ тўловчи ва солиқ ундирувчилар ўртасида ўзаро тушунмовчиликлар юзага келади. Бизнингча, тўланаётган солиқлар қарда тўлланиб, нима мақсадларда ишлатилаётганлигидан татто оддий мактаб ўқувчиси ҳам бохабар бўлиши даркор. Зеро, бугунги ёш авлод эртага муайян солиқ тўловчига айланиши мукаррардир. Қўйилаётган муаммонинг ечими эса бизнинг назаримизда аҳоли ўртасида солиқ маданиятини шакллантириш билан бевосита боғлиқдир.

Хўш, солиқ маданияти деганда нима тушунилади? У қандай омиллар асосида шаклланади? Мамлакатимизда амалда бўлган солиқ ва тўловлар тизимига одамларнинг муносабати, уларнинг янгиликлардан бохабарлик даражаси қай ҳолатда? Улар солиқ ва тўловларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва энг зарурлигини англаб етганларми?

Солиқ маданияти — бу бевосита солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг мукамаллиги ва адолатлиги билан белгиланади. Солиқ маданияти солиқ сиёсатининг ўзига хос тамойилларига амал қилиши билан ҳам белгиланади. Бу тамойилларни 1776 йилда инглиз-олими Адам Смит қисқа ва аниқ қилиб тушунтириб берган эди.

Улар адолатли, аниқ, қулай ва самарали бўлиши керак.

Назаримизда, солиқ маданиятини шакллантиришда кўпроқ ургуни 16 ёшга бўлган ёшларга қаратишимиз лозим. Айнан шу даврда ёшлар онги тўлиқ шаклланиш босқичида бўлиб, берилган аниқ,

лантириш ҳамда мактаб таълими пайтида солиқ маданияти пойдеворини қўйиш давларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, солиқчи ва солиқ тўловчининг мақсади битта, у ҳам бўлса, мамлакатгазнасини тўлдиришга ўз ҳиссаларини қўшишдир. Ривожланган

соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учраб турмоқда. Булардан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Уйлаб қуриلسа, улар арзимас солиқ тўловларидан қочиб ўз ҳаётлари, оилаларининг тақдирини таҳликага қўяптилар. Ахир белгиланган даромад солиғи тўловларини тўлаб қўйиб, хотиржам ишлаш мумкин-ку!

Юқоридаги фикрларимизни хулосалаб шуни таъкидламоқчимизки, солиқчи ҳам, солиқ тўловчи ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати, Солиқ кодексига қиритилаётган ўзгаришларга, бугунги кунда қабул қилинаётган қонунлар муҳокамасига қўл учиди қарамасдан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда ёндошса, бу нафақат давлатга балки ўзи учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди. Токи ҳар бир солиқ тўловчи қонун олдидаги ўзининг ҳуқуқи, бурчи ҳамда масъулиятини тўлиқ тушуниб етмас экан, бу борада кўзланган мақсадга эришиш қийин. Хўш, нима қилмоқ керак? Бизнингча, биринчи навбатда солиқ тўловчи солиқларга тўлаётган маблағи ойлик маошлари, нафақалар ва бошқа турли тўловлар шаклида яна ўзига, ўнг чўнтагидан чап чўнтагига қайтиб келишини онгли равишда тушуниб етмоғи лозим. Иккинчидан, ҳар иккала томон ҳам ҳалол ва иймонли бўлиш баробарида, бу тушунчалардан йироқ инсонларга қўлимиздан келганга тушунтиришга эришмоғимиз даркор. Зеро, давлат бюджетига солиқларнинг ўз вақтида келиб тушишдан охиروقибатда фуқаролар манфаатдордирлар.

Суннатилло САНАКУЛОВ

Муносабат
СОЛИҚ МАДАНИЯТИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛанади?

Давлатчилик юзага келибдики, бошқарувнинг ўзга тизимлари катори солиқ хизмати тизими ҳам пайдо бўлган. Бунинг сабаби шуки, давлат бор экан, унинг олдида режалаштирилган барча ишларни молиялаштириш масаласи кўндаланг бўлади. Молиялаштириш эса аскарят ҳолларда солиқлар орқали йиғилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Маблағларни ўз вақтида аниқ, ҳалол тарзда йиғиб давлат бюджетига йўналтириш эса бугунги кунда солиқчиларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Тўғри, асосли маълумотлар улар онгида тез ҳазм этилиб, қисқа вақтда аксадо беради. Бунинг натижаси ўлароқ, инсон 16 ёшга кирганида ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, даромад олишга қаратилган фаолиятини амалга оширганда билиб-билмай хатоликларга йўл қўйилишининг олди олинади. 16 ёшдан кейин эса қурилган пойдевор асосида инсон ўз фаолиятини амалга оширади.

16 ёшга бўлган ёшларимиз онгида солиқ маданиятини шакллантириш босқичини икки даврга, яъни мактабгача таълим мобайнида солиқ маданияти элементларини шакл-

Фарб мамлакатларида кўп йиллар давомида «икки нарса — ўлим ва солиқдан қутулмайсан», деган тушунча шаклланган. Ўз навбатида улар солиқ тўловчи эканликларидан фахрланишади. Чунки улар аслида солиқ сиёсати орқали маблағлари ўнг чўнтакдан чап чўнтакка ўтаётганлигини жуда яхши биладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги муносабатлар, солиқ йиғиш ва тўлаш тартиби, фоииз ставкалари, умуман солиқ қонунчилиги йилдан-йилга ихчамлашиб бораётган бўлса-да, айрим туманларда солиқ

Ёнги хавфсизлиги

ойлиги

Кундалик ҳаётимизни «зангори олов»сиз тасаввур этиш қийин. У энг қулай ёқилги сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёқилгидан тўғри фойдаланиш хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнги хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнги оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.



«SOFTLINE» КОМПАНИЯСИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтда «Softline» халқаро компанияси ваколатхонаси очилди. Компания фаолиятининг асосий йўналишлари лицензияланган дастурий таъминотни сотиш ва дистрибуциялаш ҳисобланади. Бугунги кунда «Softline» Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Беларус ва Украинада беш мингдан ортиқ мижозга эга бўлиб, улар орасида етакчи саноат компаниялари, молия тузилмалари, ўқув муассасалари ва давлат ташкилотлари бор.

Ваколатхонанинг очилиши маросимида таъкидландики, бу компаниянинг мамлакатимизга кириб келиши, авваламбор, республикада юқори технологиялар соҳасини ривожлантириш учун барча зарур шароит яратилгани ва бу масалага давлат жиҳидий эътибор қаратаётгани билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам шу ҳақда.

— Янги минтақавий офис Ўзбекистон бозоридagi корпоратив мижозлар учун ва шериклик тармоғи орқали турли дастурий маҳсулотларни етказиб бериш билан шуғулланади, — дейди «Softline» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Исмаи Насимов. — Энди республикамиздаги истеъмолчилар бизнинг интернет-дўконимиз орқали 45 минг турдаги дастурий маҳсулотлардан истаганини буюртириши мумкин.

ЎЗА

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 622-Ф фармойишига биноан ҳозирда юртимизда Ёнги хавфсизлиги ойлиги ўтмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар, маҳалларда аҳоли ўртасида ёнги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўрғазмалар тарзда кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Биз ҳам «тилсиз ёв»нинг нохуш асосатларидан сақланиш мақсадида қуйидаги хавфсизлик чораларига риоя этиш лозимлигини эслатиб ўтамиз. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим.

Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гурут билан ўйнашига бепарво қараш ёнгини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Учкун текканда тез ёниб кетадиган воситаларни сақлаш асло мумкин эмас.

Олов — тилсиз ёв, дейдилар. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнгинга қарши барча эҳтиёт чоралари қўриб қўйилиши зарур. Бунда кўнгилли ёнгин учирувчилар маслаҳатлари ва кўмагига таяниш айниқса фойдалидир. Хуллас, ёнгин чиқилишининг олдини олиш, ана шу офат келтирувчи ҳодисага қарши

қураш қоидаларига риоя қилиш, газдан, электр асбобларидан тўғри ва ҳушёрлик билан фойдаланиш зарур. Шундагина биз кўнгилсиз ҳодиса юз бериши, оила ва давлатнинг моддий зарар қўришига барҳам бўлаемиз.

Шожалил ШОНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарашли маъмурий ва жамоат биноларини муҳофаза қилувчи ёнги хавфсизлиги бўлими катта инспектори, капитан. СУРАТДА: ёнги хавфсизлиги ойлигида ўтказилаётган тадбирдан лавҳа.

Сўқибол

ШАЦКИХНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Европа чемпионлар лигаси «В» гуруҳидаги «Динамо» (Киев) — «Рома» (Милан) жамоалари учрашуви ҳамюртимиз, Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацкихнинг маҳоратли футболчи эканлигини яққол намоён этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу муҳим беллашувда бор-йўғи 13 дақиқа ўйнаган ҳамюртимиз «Динамо» томонидан уюштирилаётган ҳужумларнинг хавфли бўлишига муҳим ҳисса қўшди. Айтиш лозимки, шу кун сермазун, уюшқоқ ва ҳужумкор ўйин намойиш этган Украинанинг бош жамоаси футболчилари Италиянинг кучли клубларидан бири «Рома»ни 2:0 ҳисобида мағлуб эта олишди. Меҳмонлар дарвозасига биринчи голни Деллас (автогол) йўллаган бўлса, орадан тўрт дақиқа ўтгач Максим Шацких томонидан киритилган иккинчи тўп «Динамо» галабасини мустаҳкамлади. Қувонарли томони, шу кун мутахассислару мухлислар Шацкихнинг хатти-ҳаракатларига юқори баҳо беришди.


Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Европанинг «Байер», «Реал», «Рома» клублари билан Европа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида қатнашаётган «Динамо»нинг пешқадам бўлиб олишида Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацкихнинг ҳиссаси катта.

ШАРТНОМА МУДДАТИ ТУГАДИ

Маълумки, жорий йилги мавсумни саккизинчи ўрин билан якунлаган Муборакнинг «Машъал» жамоасини собиқ пахтакорчи, иқтидорли мураббий Ислам Аҳмедов бошқаради.

Кизиғи шундаки, мазкур йилда Осиё чемпионатида муваффақиятсиз широк этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийлигидан кетган Ислам Аҳмедовдан мубораклик мутахассислару мухлислар анча юқори натижаларни кутишган. Аммо «Машъал» саккизинчи ўрин билан қийоғланди. Собиқ пахтакорчи Ислам Аҳмедовнинг эса жамоа билан шартнома муддати якунланди. Эндиликда Ислам «Машъал»да қоладими ёки ўзига бошқа жамоа ахтарадими, буни вақт кўрсатади. **Дилбар ЮНСУОВА.**

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Кишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси **ПҮЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Қиличбозлик

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРГА БОЙ ҲТДИ

Шаҳримиздаги қиличбозлик залида қиличбозликнинг рапира, сабля, шпага турлари бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг қизиқарли ва мурасасиз беллашувлари беш кун давомида мухлислар ва мутахассисларга кўплаб ҳаяжонли онларни тақдим этди.

Шуни айтиш керакки, сабля бўйича фақат эркаклар баҳс юритган бўлса, рапира ва шпага турларида ҳам аёллар, ҳам эркаклар галаба учун кураш олиб борди. Кубок учрашувларида Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд ва Навоий вилоятлари вакиллари бўлиш 109 нафар қиличбоз маҳорат кўрсатди.


Шахсий биринчиликда эркаклар ва аёллар ўртасида рапира бўйича Андижон вилояти ҳамда Тошкент шаҳри вакилларига тенг келадиганлар топилмади. Жумладан, ҳар иккала йўналишда Андижон вилоят қасаба уюшмалари спорти жамияти вакиллари Рустам Дўсмұхамедов ҳамда Гулмира Мамадалиева-лар зафар кўчишди. Қолган барча совринли ўринларни шаҳримиз спортчилари — Қасаба уюшмалари спорт жамияти қиличбозлари Искандар Баширов, Рустам Ибрагимов, Ҳожиакбар Каримов, Дилноза Мақсудова, Маргарита Андреева, Заида Ҳакимуллиналар эгаллашди.

Кубок шундаки, умумжамоа ҳисобида эркаклар ўртасида Андижон вилояти, аёллар ўртасида эса Тошкент — 1 ва Тошкент — 3 жамоалари илгорлар сафини бошқаришди.

Шпага бўйича аёллар ўртасида хурмат шоҳсупасини тўлалигича Навоий вилояти спортчилари — опа-сингил Наталья ва Ксения Велишаевалар ҳамда Фируза Авезовалар банд этишди.

Эркаклар турнирида 1 ва 2-ўринларни андижонлик Руслан Қудаев ва Бахтиёр Ганиев эгаллаган бўлса, 2 та учинчи ўрин ҳамшаҳарларимиз Дмитрий Филимонов ва Дилмурод Ибрагимовларга насиб қилди.

Сабля бўйича барча совринли ўринларни тошкентлик қиличбозлар — Константин Незвестний, Константин Коновалов ва Нурали



Кодирўжаевлар эгаллашди. Фақат Шерали Носиров (Андижон)га битта учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: қиличбозлик бўйича Ўзбекистон Кубоги мана шундай ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди; Ўзбекистон Кубоги соҳибни Руслан Қудаев. Алексей Попов олган суратлар.



Эгаси бўлмаган ва деярли ёввойи ҳолатдаги дайди итлар жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ит ҳуради, баъзан ҳамла қилиши ва хатто одам танасига жароҳат ҳам этказиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Кишлоқ жойларда хонадонда ит асраш кўриқчи тарихида зарур ҳамдир. Аммо шаҳар жойларда аксарият ҳолларда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли жуда ҳам қимматбаҳо, зотдор итларни хонадонларида ушлашлари уларга ишқибозликларини эътибори қондириш учунгина холос. Бу билан одамлар ит боқмасин деган гоғни олға сурмоқчи эмасман, аксинча кимники шунга эҳтиёжи бўлса у кишининг ихтиёри. Лекин, масаланинг ижтимоий томонига — атрофдагиларга зарар етказмаслик масалаларига ҳам бефарқ бўлмаслик керак-да. Қуйида баён қилмоқчи бўлаётганларим айрим итфурушларга ёқмаслиги ҳам мумкин. Бевоқиф касбимиз тақозоси ва одамлар билан учрашганда шундай фуқаролар билан суҳбатлашишга тўғри келгани, улар хонаки итлари учун изтироб чекканлари, кўз ёш тўқанларининг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Масаланинг шундай муаммоли томонлари борки, бу ҳеч кимни бефарқ қолдирмас керак. Келинг, статистикага асосланган маълумотларга мурожаат этайлик.

А. Икромов туманидаги Тез тиббий ёрдам клиникасига 2002 йилда — 650 та, 2003 йилда — 614 та ва ноябрда 2004 йилнинг 10 ояйда — 625 та фуқаролар итлардан турли даражадаги жароҳатлар олиб мурожаат қилишган бўлса, уларнинг 80 фоизи, уй ҳайвонлари — қучуқлардан жароҳатланиб, тиббий ёрдамга мурожаат этишган (айрим ҳолатларда мурожаат этмаслик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин).

Ҳар бир жароҳатланган шахс учун биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши, эпидемиология жиҳатидан изланишлар, ветеринария хизмати масалаларидаги ҳаражатлардан ташқари албатта қутуриш касаллигига қарши 2-3 тадан 10

латлардан валюта ҳисобига сотиб олинади. Яна бир муаммо: жароҳат етказган ит маълум бўлса яхшилик, уни ветеринария хизматидагилар карантин муддатига назоратга олиб, бўладиган сарф-харажатларга оз бўлсада чек қўйиш-

нинг муҳокамасига қўйишни мақсадли деб топдим.

Ўзбекистон Республикаси Вақтлар Маҳкамасининг 32-сонли қарори мавжуд бўлиб, бунда ит ва бошқа уй ҳайвонларини сақлаш тартиблари аниқ кўрсатилган. Бунда кўп қаватли уйларда кўни-қўшни розилигини олиш кераклиги, итти ветеринария кўригидан ўтказиб вақтлар, кўчада тумшукбоғ ва бўйинбоғ билан олиб юриш лозимлиги ва яна бир қанча талаблар қўйилган бўлса-да, ҳаётда бу тартиблар 30-40 фоиз, балки бундан ҳам кам ҳолатларда ижро этилмоқда. Бу талабларни жамоатчилик асосида тегишли ташкилотлар орқали янада кўнатириш ишлари даврий, балки мавсумий олиб борилсада қўзланган мақсадларга эришилмайпти. Шу боис қуйидаги тақлифларни баён этишни лозим топдим.

1. Ит жароҳатланган шахсга кетадиган маблағнинг бевосита шу ит эгасидан давлат ҳисобига ундирилишини қонуан ҳал этиш ва йўриқ-номасини ишлаб чиқиш.

2. Ит сақлаш қридаларини бузганларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик Кодексига алоҳида банд киритиш.

3. Ит сақловчилардан кўп қаватли уй ва хусусий хонадонларда яшашига қараб маълум миқдорда солиқ ундириш ва бу маблағларни жабрланганларга кетадиган сарф-харажатлар учун йўналтириш.

4. Дайди итларни йўқотиш тизимини яратиш.

Тақлифларимни ўрганиб чиқиб тегишли мутасадди ташкилотлар фикр билдириди деган умиддамиз.

А.САРИМСОКОВ,
А.Икромов туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач.

Мулоҳаза

ҲАВАСМИ Ё ЭҲТИЁЖ

Кўпчиликка маълумки, уй ҳайвонлари ичида одамга яқинларидан бири, бу — ит. Авваллари ов учун, кўриқчи сифатида, кейинги пайтларда эса хизмат кўчүклари тарихида одам ва ит орасидаги муносабатлар мавжуд. Лекин оддий аҳоли аксарият итти кўриқчи тарихида хонадонда сақлайди. Шу билан бири кейинги пайтларда дайди итлар ҳам кўпайиб бормоқда.

тагача эмлаш муолажалари ўтказилиши зарур. Бу давлат ҳисобидан бепул бажарилади. Чунки хайвондан жароҳатланган бемор ўта хавфли қутуриш хасталигига мўтало бўлиши мумкинлиги ва шундай бўлса бу шахсинг ҳаёти 100 фоиз ёмон натижа билан якунланиши мумкин. Эмлаш учун сарфланадиган эм дори миқдори жароҳатланган тана аъзосининг бош миёга қанча яқинлиги, жароҳатнинг қай даражада чуқурлиги, итнинг эмланган ёки эмланмаганлиги ва яна бошқа бир қанча омилларга боғлиқ. Ҳар бир доза эм дорининг қиймати бугунги кунда 7000 сўм эканлигини эътибордан оладиган бўлсак, бу ишларга қанча давлат маблағи сарфланишини ҳисоблаш мушкул эмас. Боз устига бу препарат хоржий дав-

лари мумкин, лекин шу ит йўқолиб қолса ёки унинг ўзи қутуриш хасталигига дучор бўлган бўлса... Тўғри ит тишлаганда ҳар доим ҳам инсон қутуравмайди, лекин қутурган беморнинг у ҳаётдан кўз юмгунича бўлган ҳолатини кўрган одам бир умрга итдан нафратланадиган ҳамда ўзини улардан химоя этадиган бўлиб қолади. Айтишларича, бир аёл шу хасталикка дучор бўлганда унинг изтиробларини кўрган фарзанди тиббиёт ходимларига онасига аэлобанишдан қутулишга ёрдам сўраб кўп илтимос қилиб охири ҳеч бўлмаса жонлари узилишига ёрдам беринглар, онам қийналиб кетдиларку деб ялиниб, мурожаат этган экан. Шу йўсинда айрим мулоҳазаларим бор. Уларни аҳоли, мутасадди ташкилот ва мутахассислар-

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эдиоллар: 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилади. Қопиз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўчалари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.